# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ
1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 1 апрель. Сешанба № 26 (5.799). Сотувда эркин нархда


## ОЛТИАРИҚДА АНДИЖОН УСУЛИ

Бу йил Олтиариқ тумани пахтакорлари 1570 гектар майдонга Андижон технологияси асосида плёнка остига чигит экишни режалаштиришган. Буни «Жўрак» жамоа хўжалигининг 5-6 бригадалари аъзолари биринчилардан бўлиб бошлаб беришди.

Муҳаммаджон Деҳқонов бошлиқ 6-бригаданинг шийпон олдидаги 7 гектарлик майдони кафтдек текисланган, тупроқ жуда майин, ернинг намлиги меъёрида. 25 йиллик тажрибага эга бўлган механизатор Усмонали Мирзаев плёнка остига 60х30 схемасида саккиз қаторлаб чигит экадиган янги сеялкани кўздан кечириб, экипаж аъзоларига вазифаларини эслатиб қўйди.

### Чигит экиш қандай бормоқда?

Трактор оҳиста ҳаракатга тушди, сеялка барабанлари айланиб плёнка остига қўш қаторлаб чигит ташлади. Экипаж аъзолари Юсупжон Бобохонов, Қобилжон Турсунов, Зафар Ҳожимуротов, Илҳом Мирзаев сеялка ортидан юриб, чигитнинг тушишини, плёнканинг қирғоқларига тупроқнинг тортилишини назорат қилиб бордилар. Агар сеялканинг бирор қисми нотўғри ишласа, байроқча кўтариб тракторни тўхтатишади. Тезда нуқсони тузатилади. Трактор юриб ўтган ерларда таранг тортилган ярқироқ плёнка излари ҳосил бўлади. Булар мўл ҳосилнинг пойдеворидир.

Чигит экилган майдонни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳосилоти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Шарифжон Маматожиев, туман ҳокимлиги мутахассиси Абдумалик Холматов обдон кузатиб, уяларга уруғлик аниқ белгиланган миқдорда тушганлигига ишонч ҳосил қилишди. «Қўшқаторлаб чигит экилганда ҳар гектар майдонда 175-180 мингта кўчат ҳосил бўлади», деб изоҳ берди ҳосилот.

— Бундай усулда чигит экиш жуда мураккаб жараён, — дейди бригада механизатори Усмонали Мирзаев. — Озгина бепарволик қилинса, сарфланган харажат, меҳнат беҳуда кетади. Тажриба ўрганиш учун Андижон вилоятининг Бўз, Марҳамат туманида бўлдим. Ҳамкасбларимдан кўп нарсани ўргандим. Сўнг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида 15 кун ўқидик. Ишнинг энг нозик томони сеялка барабанлари айланаётганда, чигит тушадиган тешиклар кесак ёки хас-чўп илашиб, тўсилиб қолса, уяларга чигит тушмай қолади, хато экилади, уни тўғрилаб бўлмайди. Шунинг учун экипаж назоратчиларидан масъулият ва ҳушёрлик талаб қилмоқдамиз. Мақсад, ҳар бир уяга мўлжалдаги уруғ тушсин. Шунда гектарларда кўчат тўлиқ бўлади.

— Механизаторнинг мулоҳазалари ўринли, — дейди бригада бошлиғи Муҳаммаджон Деҳқонов, — бу йил 63 гектар майдоннинг 50 гектарига «Фарғона-3» навли уруғни плёнка остига экмоқдамиз. Ерга уруғ тушди, насиб этса, баракасини беради. Ўтган йили 25 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил 45 центнерга етказиш ниятидамиз. Пахтадан ташқари 28 гектар майдонда буғдой, 3 гектарда қизилча етиштираяпмиз. Ғалла майсалари икки марта ўғитланди. Уч марта суғорилди. Ривожи яхши.

«Жўрак» жамоа хўжалигида 100 гектар майдонга плёнка остига уруғлик экилади. Номон Суяркулов бошлиқ 5-бригаданинг механизатори Ашурали Соқиев раҳбарлигидаги экипаж аъзолари ҳам кунига 3-4 гектар майдонга Андижон усулида чигит жойлаштиришаяпти. Миришкорлар ҳозирча 50 гектар майдонга чигит экиб бўлишди.

Инсон манфаатлари йилида улар 666 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 2126 тонна пахта хирмони тиклаш учун ғайрат камарини маҳкам боғлашган. 366 гектардаги ердан 1330 тонна бошоқли дон хирмони яратиш жамоа ғаллакорларининг эзгу нияти.

Тумандаги Оқбуйра, Отақулов, Навоий номли хўжаликларда ҳам плёнка остига уруғ ташлаш қизғин. 104 та бригадада 280 нафар экипаж аъзолари Андижон технологияси асосида экишмоқда.

Олтиариқ тумани деҳқонлари 10.000 гектар майдонга «Фарғона-3», «С-6532» нав уруғи экишиб, жорий йилда 30300 тонналик оқ олтин саранжомлашни режалаштиришган. Айни чоғда далаларда меҳнат кўтаринкилиги юқори. 182 та оддий усулда ва 31 та янги усулда экадиган агрегатлар мавсумга сафарбар қилинган. Мақсад барча техника ва ишчи кучларидан оқилона фойдаланиб, экишни барвақт тугаллаш.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**





## УРУҒ ПЛЁНКА ОСТИГА ҚАДАЛМОҚДА

**Жорий йилдан мамлакатимиз пахтачилигида чигитни плёнка остига экиш усули кенг қўлланилмоқда. Ҳозир республиканинг кўпгина вилоятларида уруғликни ерга қадаш давом этмоқда. Пахтакорларнинг бутун эътибори экиш мавсумини сифатли ўтказиш, ниҳолларни ўз вақтида ундириб олишга қаратилган.**

**Уйчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам янги усулда пахта етиштириш учун чигит экиладиган мавжуд 910 гектар майдоннинг 300 гектарини ажратдилар. Айни пайтда уруғликни плёнка остига экиш ишлари бошлаб юборилди.**

**Бутун техника, иш кучи экишга сафарбар этилган. Шу боис суръат кундан-кунга ошиб бормоқда.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Механизатор Маҳмуджон Насриддинов экиш ишларини кузатувчи Маҳмуджон Маҳаммадиёров билан. 2. Чигитни плёнка остига экиш пайти.**

**А. ЮСУФБОЕВ олган суратлар.**

## ПРЕЗИДЕНТ ГРЕЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни расмий ташриф билан Греция Республикасига жўнаб кетди.

Ислом Каримов сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида греклар юртига бўлажак мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаражагини айтар экан, хусусан шундай деди:

— Халқимиз Грецияни, грекларни жуда яхши билади. Зеро, халқларимиз ўртасида кенг савдо-иқтисодий, шунингдек маданий алоқалар қадимдан мавжуд. Бизда машҳур саркарда Искандар Зулқарнайнни қанчалик билишса, соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи ҳам грек халқи учун шунчалик таниқли.

Мустақил Ўзбекистон билан Греция ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Грецияга ушбу илк ташрифимиздан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама кенг алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янги босқичга кўтаришдир. Ташриф давомида икки томондан солинадиган солиқларни тартибга солиш, савдо ҳамда технология, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, шунингдек бошқа соҳаларга оид ўнга яқин ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида имзоланажак ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси икки давлат алоқалари ривожида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

### *Шу сонга хабарлар*

## БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ



Жиззахлик деҳқонлар бу йил 110 минг гектардан кўпроқ ерда пахта етиштирадилар. Вилоятда биринчи марта 3027 гектар майдонга чигит плёнка остига экилади. Об-тобига етказилган майдонларга тажрибадан яхши ўтган «Ан-Боёвут-2», «С-90-70» ҳамда «Тошкент-6» каби серҳосил навлар уруғи қадалади.

Вилоятда бу хайрли ишлар ҳар қачонгидан эрта бошланди. Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» ижара ширкатлар бирлашмасининг У. Уринбоев бошлиқ бригадаси пахтакорлари биринчилар қатори чигитни плёнка остига экишга киришди. Бошқа туманларда ҳам экиш-тикиш ишларини қисқа муддатда сифатли ўтказиш юмушлари бошлаб юборилди.

## ЧЎЛ ЖАМОЛИНИ ОЧАЁТГАНЛАР

**Қарши чўли бағридаги Усмон Юсупов тумани маркази, жамоа ширкат хўжаликларининг посёлкалари йилдан-йилга кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Чўл жамолини очишга Азамат Сариқов етакчилигидаги 3-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари катта ҳисса қўшаяптилар. Бу аҳил жамоанинг туман маркази Янги Миришкорда кейинги пайтда амалга ошираётган яратувчилик ишлари айниқса диққатга сазовор. Қўли гул қурувчилар ўнлаб турар жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчаларини барпо этиб, фойдаланишга топширдилар.**

**Ана шу азамат қурувчилар томонидан бунёд этилган туман марказидаги Амир Темур хиёбони, унга туташ маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари мажмуаси бугунги кунда Янги Миришкорга чирой бағишлаяпти. Қарийб бир километр масофадаги хиёбоннинг икки тарафига «Турон» савдо маркази мажмуасининг қадимий меъморчилик анъаналари руҳидаги бинолари барпо этилганлиги бу ернинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Ушбу савдо марказининг шоҳобчалари Айзабод қишлоғида ҳам бунёд этилди. Бундай кўркам биноларнинг қурилишига Жейнов пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, «Азиз» фирмаси, туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси сингари корхона ва ташкилотлар буюртмачи сифатида иштирок этишиб, ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшишмоқда.**

**Аҳил жамоада қўли гул бинокорлар кўп. Уларнинг энг моҳирлари ҳақида гап борганида Турсунпўлат Ҳусаинов, Саид Боймиров, Абдуғани Ҳайитовларнинг номлари биринчилар қаторида тилга олинади. Ана шундай қўли гул қурувчилар ҳамкасбларига намуна бўлишиб, чўлни янада кўркам ва обод қилишга даъват этишяпти.**

**Ф. ЭШҚУЛОВ.**

## ЯЙЛОВ ГАШТИ, ЧЎПОН ШАШТИ

Баҳорда яйловлар гашти ва шунинг баробарида чўпончилик — чорвадорларнинг шашти бўлакча бўлади. Чунки келинчак фасл тароватидан қир-адирлар минг чандон яшнаб кетса, тўл олиш мавсуми чўпонларимизнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшади. Атрофга худди юлдузлардай сочилган қўй-қўзиларнинг кўзни қувнатадиган манзараси, баҳорий жилвалар тошқини айни шу кунларда тўла намоёнки, рости, буни тасвирлашга кўп ҳолларда қалам ожизлик қилади.

Нурота туманидаги «Нурота» жамоа-ижара хўжалигининг бош чўпони Тўрабек Шакаров ҳамда унинг оила аъзолари ва ҳамкасблари ҳаётида гаштли, шаштли, халқимиз ибораси билан айтганда, «ҳатто бошни қашишга ҳам қўл тегмайдиган» кунлар бошланганига анча бўлди. Чўпонлик Шакаровлар хонадони соҳиблари учун ота мерос касб. Донгдор чорвадор — Тўрабек Шакаровнинг отаси, раҳматли Жума бобо ҳам эл назарига тушган ва пиру бадавлат чорвадор эди. Оилада авлодлар сулоласи давом этмоқда. Онахон — Мактаб холанинг шундан боши осмонда.

Халқимизнинг қадим-қадимдан «Оши ҳалол», деган бир удуми бор. Бу удум чўпонлар ҳаётини ва заҳматини яққол ифодалайди. «Оши ҳалол» иборасининг ҳали-ҳануз эл оғзидан тушмаслиги бежиз эмас. Мақоламизда қайта-қайта тилга олинаётган Тўрабек Шакаров ва унинг барча ҳамкасблари оши ва нони ҳалол, топган-тутгани барака касб соҳибларидир.

— Отаримиздан бери келмай, сурув ортида юриб рўзғор тебратаётганимга кўп йиллар бўлди, — деди чўпонлар сулоласининг бошлиғи Тўрабек Шакаров. — 600 бошга яқин қўй-қўзимизни қишловдан беталофат олиб чиқдик. Озуқамиз қишга етиб-ортди. Мана, кўкламга ҳам яхши ниятлар билан етиб келдик. Отаримизда совлиқлар бирин-кетин қўзилай бошлаганига ўн-ўн беш кундан ошди. Ҳозир тўл олишнинг айни қизғин палласи. Қўзилатиш мавсуми ғоят қисқа бўлса-да, лекин унинг заҳматли онлари узун...

Ҳа, бош чўпон ҳақ гапни айтди. Ҳозир у бош бўлган отарда совлиқларнинг асосий қисми қўзилаб бўлди. Яйлов дарғасининг кайфияти баланд. Тўнғич ўғли Уринбой, укаси Нуриддин бугунги серташвиш дамларда ҳар галгидай масъул, қувончу ташвишларга шерик. Катта ва нуфузли хонадоннинг соҳибаси, бош чўпоннинг умр йўлдоши Ширин Шакарова эса рўзғор юмушларидан ортиб, мавсумнинг шу кунги долзарб тадбирларига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаяпти.

— Туёқ сони ошса, чорвага чорва қўшилади, — дейди гурунгда Тўрабек Шакаров. — Дуркун ва соғлом қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга қолдираяпмиз. Бу — яна отар ва яйлов тўла қўй-қўзи, деганидир.

**Абдулла ТУРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



### *Долзарб мавзу*

## ИҲОТА ДАРАХТЗОРЛАРИ — ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

**Ҳеч нарса ва ҳеч қачон табиат назаридан қочиб қутулмайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам.**

**Мана бу рақамларга эътибор беринг. Мамлакатимизнинг умумий майдони 45 миллион гектар бўлиб, шунинг 29 миллион гектари, яъни 64 фоизи чўл зонаси, 14,7 фоизи тоғлардан иборат. Республикамиз ўрмонзорлар энг оз бўлган ўлкалардан. Ўрмонлар умумий майдоннинг 4,8 фоизини эгаллайди, холос. Ваҳоланки, ўрмонлар Россияда 42,7 фоизни, Белоруссия, Болтиқбўйи давлатлари, Грузияда 34—38 фоизни, Арманистон, Молдова, Озарбайжон ва Туркманистонда эса ўрмонлар умумий майдоннинг 9—11 фоизини ташкил этади.**

**Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ўрмон ва дарахтзорларни асраб-авайлаш, имкон бўлган ерларда уларни барпо этиш беқиёс аҳамиятга эга. Бунга қандай эришиш мумкин? Шу ва шунга ўхшаш қатор саволларга жавоб излаб, ЮНЕСКОнинг « Инсон ва биосфера» дастури бўйича Ўзбек миллий қўмитасининг раиси, академик Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВга мурожаат қилдик.**

**— Халқда қари билганни пари билмас, деган пурмаъно мақол бор. Бу мақол айниқса сизга — ҳаёт тажрибасига эга бўлган, бутун ҳаётини қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантириш, эл дастурхонини сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан тўлдиришга бағишлаган инсонга кўпроқ тааллуқли. Мирзаали ака, табиат билан қандай тиллашмоқ керак?**

— Қадим-қадимдан халқимиз мўъжизалар ҳақида эртаклар, афсоналар, ривоятлар тўқиб келган. Уларнинг кўпчилиги ўрмонлар, дов-дарахтлар таърифи ва тавсифи билан боғлиқ. Ўрмон — табиатнинг ноёб неъмати. У сув ва ер ресурсларини асраш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитни кўркамлаштириш, ер юзидаги ҳаётни соғломлаштириш, унга жон бағишлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Афсуски, бизни ўраб турган атроф-муҳитга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш ва унинг табиий ривожланиш қонуниятларининг бузилиши сабабли табиат оғир аҳволга тушиб қолди.

Сир эмаски, республикамизнинг қатор минтақалари кучли шамоллар, чанг-тўзонли бўронлар, гармселлардан қаттиқ зарар кўради. Бу табиий офат Қўқон туманлари гуруҳи, Марказий Фарғона, Бекобод, Боёвут зонаси, Мирзачўл ва Қарши чўли, Сурхон—Шеробод воҳаси, Бухоро ва Наманган вилоятлари, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистоннинг айрим туманлари, умуман олганда, ўлкамизнинг 80—85 фоиз майдонида кучли намоён бўлади.

**(Давоми 2-бетда)**

